



تائگ يولدوزى

6-МАР 1992

# ТОНГ

№ 15

(6487).  
1992 ЙИЛ.  
4 МАРТ  
ЧОРШАНБА  
Баҳоси:  
обуначига — 5т.  
сотувда — 30 т.

ЎЗБЕКИСТОН  
БОЛАЛАРИ ВА  
УСМИРЛАРИНИНГ  
РУЗНОМАСИ

РУЗНОМА 1929 ЙИЛ, 1 АВГУСТДАН «ЛЕНИН  
УЧҚУНИ» НОМИ БИЛАН ЧИҚА БОШЛАГАН.

# НОЛДУЗИ

## БАЙРАМИНГИЗ

## БИЛАН,

## АЗИЗ

## БУВИЖОНЛАР,

## ОНАЖОНЛАР

## ВА

## ОПА—

## СИНГИЛЛАР!



Ташқарида тириляётган манзара: дарахт новдаларига яшиллик югурган, куртаклар бўртиб чиққан, димоққа янги майсалар ҳиди урилади — табиат уйғонмоқда.

Англадикки, қадамга гулдан поёндоз тўшаб, баҳор ва унга эш бўлиб анъанавий кун — 8 Март келмоқда.

Аёл! У ҳақда ёзиш нақадар қийин ва тотли. Қийинлиги — қорғоздаги унсиз сатрлар билан Аёл қадрини ўлчаб бўлмайди. Тотлилиги — узилмас қарз ва фарз йўлидаги уринишлар бекор эмас.





Қўлида гўдакни ушлаб турган Аёл! Йўқ, унинг қўлида гўдак эмас, балки келажакимизнинг ўзидир. Аёлга ҳурмат — шу келажакка ишончининг бош мезони. Шу боисдан ёзадилар: «Халқ аёлдан бошланади». Ҳаётнинг аввалидан бошлаб аёл тимсолини яратиб ва уни қадрлаш Одам Ота меросдир, келажак учун бу тушунча абадий ва шу ўринда улкан қарз ҳамдир.

Жасорат! Ушбу қамрови кенг тушунча ҳам биргина аёл кечмиши олдида ўз кучини йўқота бошлайди. Йўқса, айтнинг, аёл хизматига қай бир сўз дош бера олади?

Ҳеч бир! Аёл — барча тушунчалардан устиворликка эришган олий хилқатдир.

Азиз оналар, опалар, сингиллар, момолару бувилар! Анъанавий баҳор байрамингиз муборак бўлсин. Ҳар бир кунингиз анвойи гулларга буркансин! Дунёда бор барча гўзаллик ва тотли дамлар учун Сизларга раҳмат!

Валфажр доимо ҳамроҳингиз бўлсин!





## БАЛАНДРОҚ УЧ, ВАРРАГИМ!

«Варрак сайли»

14 март

куни соат 10.00 да

пойтахтнинг

«Мустақиллик

майдони»да

бошланади.

Унга

Республика

Болалар

Жамғармаси

қошидаги

«Наргис»

фирмаси

ҳомийлик

қилади.

## «НАВРЎЗОЙ» ЧОРЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси ва «Тошкент» биржаси жамоаларининг ўзаро ҳамкорлик қила бошлаганига ҳам кўп бўлгани йўқ. Миллий байрамимиз Наврўз баҳонасида бу ҳамкорлик янада мустаҳкамланганидан бўлди. Биржачилар 800 минг сўмга яқин маблағни жамғарманинг жумҳурият миқёсида ўтказилажак «Наврўз» тадбири учун ажратдилар. Байрам пойтахтнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат Академик катта театрида бўлиб ўтади. Болалар жамғармаси тантаналарига барча вилоятлардан кўп болали моддий ёрдамга муҳтож оилалар аъзолари, болалар уйлариининг тарбияланувчилари таклиф этилади. Бепул концерт, нонушта ва тушлик берилади. Табиийки, йўл ҳақи, меҳмонларнинг сарф-харажатларини ҳам жамғарма ўз зиммасига олади. Таклиф этилажак оилаларга бериладиган совғалар учун «Тошкент» биржаси 200 минг сўм ажратди. Ҳозир «Наврўз»ни кўнгилдагидек ўтказиш учун қизгин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Пойтахтда яшовчи болаларни ҳам ажойиб томошалар кутмоқда. Мустақиллик майдонида «Варрак сайли» ўтказилади. Болалар жамғармаси, ёшлар иттифоқи шаҳар қўмитаси ва «Наргис» корхонаси уюштиражак бу тадбир ҳам кўпчилиكنинг ёдида қолса керак. Ўз кучи, иқтидори ва моҳоратини синаб кўрмоқчи бўлган ёшларни, умуман, маза қилиб дам олмақчи бўлган барча кишиларни март ойининг ўрталарида уюштириладиган ушбу байрамга таклиф этамиз.

Реклама ва эълонларни кузатиб борсангиз, бу хайрия тадбирларининг қачон ўтказилишини билиб оласиз.



«ВАРРАК САЙЛИ» ХАЛҚ БОЛАЛАР  
ЎЙИН-МУСОБАҚАСИНИ  
ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА  
НИЗОМ

1. «Варрак сайли» миллий анъаналаримизни мустаҳкамлаш, болалар ўйинларини оммалаштириш мақсадида ўтказиладиган тадбирдир.

2. «Варрак сайли» ўйин-мусобақасида ўзи ясаган варраклари билан 5 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар иштирок этадилар. Шунингдек, ота-оналар ҳам мусобақадан ташқари ҳолатда қатнашишлари мумкин.

3. Мусобақа ҳакамлари ҳайъати байрам бошланмасдан уч кун олдин иштирокчиларни рўйхатдан ўтказиб, варракларни, лайлакларни, қурроларни кўздан кечиради. Мусобақада қайси тартибда иштирок этиш хусусида йўлланма берилади.

4. Мусобақа давомида ҳакамлар ҳайъати тайёрлаб келинган варракларнинг ясалиши, безатилиши, унинг қай даражада кўтарилиши, қанча муддат кўтарилган баландликда тура олиши ва иштирокчиларнинг ўз варракларини бошқара олишига қараб баҳо қўяди.

5. Мусобақада, шунингдек, «Тиришқоқлиги учун», «Томошабинлар муҳаббатини қозонгани учун», «Энг ёш иштирокчи учун», «Оилавий варракчилар учун», «Энг яхши варракчи қиз бола», «Наврўзни тараннум этгани учун» номли махсус мукофотлар ҳам таъсис этилади.

6. «Варрак сайли» ўйин-мусобақаси анъанавий бўлиб, ҳар йили «Наврўз» байрами арафасида Тошкент шаҳрида ўтказилади.

ТАШКИЛИЙ ҚўМИТА.

● Қўшимча маълумотлар учун Тошкент шаҳар Ёшлар Иттифоқи қўмитасига 33-38-63 телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин.


С  
В  
Е  
Т  
О  
Ф  
О  
Р  
92

Ойнан жаҳонда, радио эштирашларида, рўзномаларда эълон қилинаётган Ички ишлар вазирлигининг маълумотларида энг катта рақамлар йўл-транспорт фожиаларига тегишлидир. Бу рақам кундан-кун ортиб бормоқда. Утган 1991 йилда республикамиз ҳудудида содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг 5612 тасида болалар жабр кўришган. Бу ҳодисаларда 750 нафар бола бевақт оламдан ўтган, 4908 нафари турли даражадаги тан жароҳатлари олишган. Шунинг айтиб ўтиш керакки, бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг 497 таси велосипед ҳайдовчилари иштирокида содир этилиб, бунда 50 нафар бола нобуд бўлган ва 447 нафари жароҳатланган, 1990 йилга нисбатан велосипед ҳайдовчилар иштирокидаги бахтсиз ҳодисалар 4,9 фоизга ошган бўлса, бунда нобуд бўлган болалар сони 13,6 фоиз, жароҳатланган болалар сони 4,0 фоизга ортган.

Бундай бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, унинг кўрсаткичини камайтиришнинг бирдан-бир йўли йўл ҳаракати қондаларини мукамал ўрганиш, шу билан бирга унга қатъий риоя қилишдир. Бугунги кунда йўл ҳаракати қондаларини ўрганиш ўқув дастурига киритилганига қарамай, кўпгина мактабларда бу фан ё ўтилмайди, ўтилса ҳам болалар унга жиддий эътибор беришмайди. Шу сабаб ҳам «Тонг юлдузи» газетаси бундан икки йил аввал газета саҳифаларида бериб борган «Светофор» ўйин-викторинасини тиклашга ва уни доимий ўтказиб боришга қарор қилди.

«Тонг юлдузи» газетаси, Ўзбекистон Халқ таълими ва Ички ишлар вазирлиги 1992 йилда «Светофор-92» ўйин-викторинасини IV турда ўтказди.

«Светофор-92» ўйин-викторинаси 1992 йил, ноябрь ойида яқунланади. Ҳолиб жамоалар (мактаб, Болалар ва Умирлар марказлари) ва ўқувчилар Ўзбекистон Халқ таълими ва Ички ишлар вазирлигининг эсдалик совғалари билан мукофотландилар.





I ТУР ТОПШИРИҚЛАРИ:

Баҳор фасли эшик қоқмоқда. Кунлар исиб, велосипед ҳайдовчилари кўпаяди. Шунинг учун I тур саволлари велосипед ҳайдовчилари учун.

1. Йўлнинг транспорт қатнайдиган қисмида велосипед ҳайдовчилар неча қатор бўлиб ва қаердан юришлари керак?
2. Икки қаторли йўлдан келаётган велосипедчи кўрсатилган йўналишлардан қайси бири томонга юриши мумкин?
3. Болалар неча ёшдан велосипед ҳайдашлари мумкин?
4. Велосипед ҳайдаётган дўстларингиз тўғри ҳаракат қилиш-яптими?
5. Велосипед ҳайдовчига нималар тақиқланади?

Материалларни Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги жумҳурият ўқув-услубийет марказининг етакчи методисти Ф. СОДИҚОВ тайёрлаган.

I тур саволларига жавоблар 15 апрелгача қабул қилинади.



ЎЙИН-ВИКТОРИНАСИ

## БОЗОР ИҚТИСОДИЕТИ ВА БИЗ

— Республикамизда эркин нархга ўтилиши ва барча нарсаларнинг қимматлашиши муносабати билан усиз ҳам ночор оилалар янада танг аҳволга тушиб қолдилар. Муҳарриратимизга келаятган мактубларда болалар ўз ота-оналарининг иқтисодий қийналишаётгани, яшаш тобора оғирлашаётгани ҳақида ёзиб, Ўзбекистонда ҳам нарх-навони

кўзланган натижага эришилмади.

Учинчи йўл танланди. Иқтисодиётнинг мувозанатга келиши ва янги иқтисодий усуллар ишлаб кетиши учун нарх-навони ислоҳ қилишдан бошқа илож қолмади. 1991 йилнинг апрель ойидан илгари қўлланмаган уч хил турдаги нарх-наводан фойдаланила бошланди. Биринчиси, давлат чакана нарх-

левизор экранларида бирон нарсанинг реклама қилиниши ёки ким ошди савдоси ўтказилишини тасаввур ҳам қила олмас эдик. Бугун эса рекламаларга кўзимиз кўникдию биржа, брокерлик ўрни сингари сўзларга кўника олмаямиз. Мактабларда ҳам иқтисод фани дарслари ўтилмайди. Шулар ҳақида тўхталсангиз,

— Биржа савдо-сотик иш-

маҳсулотлар эмас, уларнинг намуналаригина туради.

— Яқинда ахборот воситалари орқали иқтисодчилар жумҳуриятимиз иқтисодий бошқаришининг Туркия моделига ўтганимиз ҳақида хабар беришди. Нима учун айнан Туркия моделига эканлигини тушунириб берсангиз.

— Бу масаланинг уч жиҳати мавжуд. Биринчидан, биз бозор иқтисодиётига ўтаётимиз. Туркия шундай йўлга 80-йилларда ўтган. Ўз тажрибасига эга. Ўзбекистон учун бозор муносабатларини ўрганишда энг арзон йўл. Худди шундай тажрибани бошқа мамлакатлардан ўрганиш учун 2—3 баробар қimmatроқ тулаш керак бўлади. Бир мутахассиси Америкада ўқитиш учун эса йилига камида 150—200 минг доллар зарур. Туркияда бунча маблағга юзлаб ёшларни ўқитиш мумкин.

## ИШБИЛАРМОН БЎЛСАНГИЗ, ЮТАСИЗ

ошириш шартини, деган саволлар билан ҳамон мурожаат қилишади.

— Болалар тўғри сўрашади. Иқтисодиётда бир қонда бор. Аҳоли эҳтиёжи учун дўконларга чиқарилаётган ҳар қандай маҳсулотлар қанча бўлса, уларни сотиб олиш учун шунча пул чиқарилади. Агар бу мувозанат бузилса, иқтисодий беқарорлик бошланади. Пул дўконларга чиқарилаётган товарлардан ортиб кетса, нарх-наво ошади.

Ўзбекистон яқна бир оролда яшамайди. У собиқ СССР республикалари билан иқтисодий жиҳатдан уз-

лари. Аҳоли учун зарур бўлган ўнга яқин маҳсулотлар қатъий белгиланган нархда, талонда сотиладиган бўлди. Ўзбекистонда ун ва ун маҳсулотлари учун энг арзон нарх белгиланди. Нарх-навонинг иккинчи ва учинчи турлари шартнома ва эркин бозор баҳоладир. Шундай баҳода сотиладиган молларни тижорат дўконларидан харид қиладиган бўлдик. Натижа барибир ижобий бўлмади. Иқтисодий аҳвол оғирлигича қолаверди. Мажбурий қадам — нарх-навони эркинлаштириш амалга оширилди. Дўконлардаги талонга берилдиган маҳсулотлардан бошқаси бозор нархда сотилади. Нарх-наво бозордагидек тез-тез ўзгариши — пасайиши ёки ортиб бориши мумкин. Бу асосан аҳоли-

лари амалга ошириладиган жой. Аммо уни деҳқон бозори ёки дўконлар билан алмаштирмаслик керак. Чунки, деҳқон бозори ёки дўконларда харид қиладиган

Бугун ҳаммаёқ бозор. Нархлар ошапти. Шунга яраша ишлаб, пул топишининг янгича муносабатлари шаклланимиз. Турли меҳнат, савдо биржалари тузилмоқда. Уларни идрок этиб, ҳаракат қилишимиз учун иқтисодий билимимизни кундан-кунга бойитиб боришимиз зарур. Шу боис иқтисодчи олим, иқтисод фанлари номзоди Фарҳод ака РЎЗИЕВга сизлардан келган мактублар асосида мурожаат этдик.

ган маҳсулотингизни кўриб, танилаб, пулини тўлаб, тўғридан-тўғри сотиб олишингиз мумкин. Биржаларда эса уларни тўғридан-тўғри сотиб олиб бўлмайди. Маҳсулотлар намуналарга қараб сотиб олинади. Тушуниб олишингиз учун мисол келтираемиз. Москвадаги биржада 1000 тонна пахта толаси сотмоқчисиз. Шунча маҳсулотни олиб бориш шарт эмас, намуна олиб борилади, холос. Агар нархи сизни қаноатлантирса оота-сиз, бўлмаса бошқа биржага мурожаат этасиз. Ёки Россиянинг бир шаҳридан бензин, ёғоч ёки бошқа маҳсулот сотиб олмақчисиз. Шу шаҳарнинг биржасига бориб, уларнинг рўйхати, намуналаридан танилаб оласиз.

Брокерлар эса бизнинг тилда даллол, воситачидир. Одатда брокерлар ўзи хизмат қилаётган биржа каби бошқа кўплаб биржалар билан алоқада бўлади. Харидорларга эса керакли молларни топиш, танлашда кўмаклашади. Ушбу воситачилик учун улар савдо ҳажмининг 2—6 фоизини оладилар.

Ҳозир мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган биржаларнинг уч йirik тури мавжуд. Товар биржаси, меҳнат биржаси ва қимматбаҳо қоғозлар биржаси. Меҳнат биржасида иш кучи савдо-сотик қилинса, қоғоз биржасида пуллар, заём, акциялар савдоси амалга оширилади.

— Товар биржасининг асосий иши ишлаб чиқариш маҳсулотлари билан савдо-сотик қилиш экан. Айтинчи, ҳозирда дўконларда камёб бўлиб қолган болалар кийимлари, ўйинчоқлари билан савдо ишларини амалга оширадиган биржалар борми?

— Йўқ. Бўлмайди ҳам. Чунки бундай маҳсулотлар билан савдо-сотик қилувчи дўконлар мавжуд. Биржа эса махсус бозор жойи. Қундалик эҳтиёжга зарур бўлмаган, катта ҳажмдаги ва кенг миқёсдаги товарлар сотиладиган жой. Биржада дўконлардаги каби тайёр

Иккинчидан, бозор иқтисодиётига Туркияга хос хусусиятлар ўрганилган ҳолда ўтилган. Турк ва ўзбекларнинг миллий анъаналари, ўхшашликлари кўп. Бу жиҳатдан ҳам Туркия модели бизга яқин.

Учинчидан, Туркиянинг 80-йиллардаги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий аҳволи Ўзбекистоннинг ҳозирги аҳволига яқин. Уларда ҳам иқтисодиётда давлат сектори йirik эди. Бизда ҳам шундай. Т. Ҳўл ҳукумат тепасига келганда мамлакат оғир ижтимоий-иқтисодий инқирозни бошидан кечириётган давр эди. Дўкон пештахталари бўш, инфляция кучайган, ташқи дундан иқтисодий жиҳатдан узилган, ҳеч ким уларга қарз беришни истамас эди. Ўғирлик, қаллоблик авж олган. Одамлар руҳи синган эди. Биздаги ҳозирги аҳвол шундан фарқли эмас. Шундай бўлишига қарамай, Туркия кейинги 10 йил ичида мисли кўрилмаган натижаларга эришди. Қандай?

Иқтисодиётга тўғаноқ бўлаётган барча тўсиқларни олиб ташлаш, унга давлат аралашувини чеклаш, хусусий соҳани кенгайтириш, кўшма корхоналар, эркин иқтисодий зоналар пайдо қилиш, ишчи кучини хорижга экспорт қилиш, банк тизимини замонавийлаштириш орқали эришди. Буларнинг барчаси Туркия иқтисодий моделининг асосидир. Жумҳуриятимизнинг иқтисодий тангликдан чиқиши учун ҳам худди шу вазифаларни амалга ошириш керак бўлиб қолди.

— Қайта қуриш даври бошлангандан кейин мактаб ва ўқитиш системасида катта ўзгаришлар юз бера бошлади. Пуллик мактабларнинг, коллеж, лицейларнинг очилиши шулар жумласидандир. Иқтисодчи сифатида айтинчи, қимматчилик даврида ҳам уларнинг яшаб қолиши мумкинми?

— Бирон нарса дейиш қийин. Аммо бугунги кунда пул қимматбаҳо қоғоз сифатида ўз қадрини анча йўқотди. Билимни, ишбилармон бўлиш бой одам бўлишига нисбатан фойдалироқ бўлиб қолди. Шу сабаб ҳам сиз айтиб ўтган пуллик мактабларга ҳозирги кунда эҳтиёж бор экан, демек улар синмайди.

— Сухбатингиз учун раҳмат.

Сухбатни

Д. ТУРАХМЕТОВА  
ёзиб олди.

## БИЗНИНГ ПОЧТА

ДАВРИМИЗГА  
АЧИНАМИЗ

Биз Амударё туманидаги Н. К. Крупская номли мактабнинг 10-синфида ўқиймиз. Ҳафтада бир кун Қипчоқ ҳудудидаги УПК (ўқув ишлаб чиқариш бирлашмаси)да машғулот ўтказамиз. Бошқа тумандаги тўртта мактаб ўқувчилари ҳам шу ерга келиб, ҳунар ўрганишади. Синф хоналари етарли. Лекин, қиз болалар учун ҳам тракторчилик машғулотини ўқитиши бизга маъқул бўлмайди. Бу касбнинг бизга нима кераги бор? Қизларнинг ҳаммаси ҳам тракторчи бўлишмайди-ку? Ҳафтада бир кунлик вақтимиз бекорга ўтати, десак ҳам бўлади. Бунинг ўрнига қизлар учун тикувчилик, ҳамширалик, пазандалик каби курслар ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Тўғри, УПКда тикув машиналари ҳам бор. Лекин, тикувчилик касбини бошқа мактаб қизлари ўрганишмоқда. Ўқув йили бошида УПК директоридан қизлар учун алоҳида дарс ўтилиб, ҳамширалик, тикувчилик ёки пазандалик касбларидан сабоқ берилишини илтимос қилган эди. Аммо, «бунинг иложи йўқ», дея қўйишмади.

Хунар ўрганадиган давримиз зое кетаётганига ачинамиз.

Саломат АРЗИБОВЕВА,  
Қорақалпоғистон жумҳурияси,  
Амударё тумани,  
Қипчоқ қишлоғидаги 11-мактаб ўқувчиси.

ҚҮЙНИНГДАН  
ТҮКИЛСА...

Мактабимиз В. И. Ленин номидаги жамоа ҳўжалигида жойлашган. Ҳўжалик раҳбарлари мактабимиз фаолияти билан қизиқиб, ўқувчиларнинг яхши ўқишлари учун қўлларидан келган ёрдамларини аямайдилар. Улар яқинда ҳўжалик ҳудудида жойлашган 6 та мактабнинг аълочи ўқувчиларини стипендия билан таъминлашга қарор қилдилар. Бизнинг мактабимиздан ҳам тўрт нафар аълочи ўқувчи чорак якунида жамоа ҳўжалиги ажратган мукофот — 30 сўмдан стипендия оладиган бўлишди. Иқтисодий ёрдам болаларнинг янада яхши ўқишига кўмаклашмоқда.

Нигора ҚОБИЛОВА,  
Наманган вилояти, Поп туманидаги 16-мактаб ўқувчиси.



вий боғланган. Кавказ орти республикаларидаги уруш, Россиядаги иш ташлашлар оқибатида маҳсулот ишлаб чиқариш пасайиб кетди. Бунинг таъсири Ўзбекистонда ҳам сезилди. Аввал, келишиб олинган шартномалардаги белгиланган маҳсулотларни олиш режалари тўла бажарилмади. Ишлаб чиқариш ўсмасида маошлар ошди. Маҳсулот йўқ ёки кам. Пул эса етарли. Бундай ҳол нафақат нарх-навонинг ошишига, ишлаб чиқаришининг камайишига ҳам олиб келади.

Бу жараён жумҳуриятимизда анчадан буён давом этиб келмоқда. Одамларда умидсизлик, ишончсизлик кучайди. Бугун арзонроқ нархда сотиб олай, эртага янада қимматлашиши мумкин, қабилдаги ақидага сириниб, дўкондаги барча нарсаларни сотиб ола бошладилар.

Бундай ҳолатдан қутилишнинг уч йўли бор: биринчиси, маҳсулот ишлаб чиқаришни кучайтириш. Рўзгорга керак бўлган зарур моллар, буюмларни кўплаб ишлаб чиқариш керак. Аммо бунга узоқ йиллар давомида эриша олмадик. Собиқ СССР таркибидаги жумҳуриятлар корхоналари ўртасидаги ҳўжалик алоқалари узилган ёки жуда мустақкам эмас. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ҳам реал эмас. Ва, бу йўл билан иқтисодиётни барқарорлаштириш ҳам қийин.

Иккинчи йўли: пулни ислоҳ қилиш. Эсласангиз керак, бундай иш ўтган йили амалга оширилган эди. Аммо

нинг талаб ва эҳтиёжига боғлиқ. Мисол учун, бирон бир буюмга талаб кўп бўлсаю маҳсулот етишмаса, унинг нархи ошади ёки аксинча. Нарх-навони янада ошириш, навбатдаги қимматчиликнинг олдини олиш учун корхоналарни, уй-жойларни хусусийлаштириш, ҳиссадорлар ширкатига айлантириш керак. Ҳозир эса бозорда битта сотувчи — у ҳам бўлса давлат. Унинг улуши ниҳоятда катта бўлгани учун ҳам нарх-навони ушлаб туришга қурби етади. Унга рақобат қиладиган ҳўжалик тузилмалари ҳали етарли эмас.

Ўзбекистонда нарх-навони оширмасдан илож йўқ эди. Иқтисодиётда Россиянинг улуши катта — 60 фоиздан ортиқ. Шу сабаб ҳам нарх-наво борасида бошқалар ҳам унинг ортидан боришга мажбур. Негаки, баҳога таъсир қилувчи хом ашё — нефть, ёғоч, кўмир, металл ва бошқа кўпгина маҳсулот ишлаб чиқариш ва етказишда Россия етакчи ўринда. Ўзбекистонда асосан пахта шундай восита ролини ўташи мумкин. Шу сабаб ҳам республикаимизда нарх-наво оширилишига тўғри келди.

— Ҳозирги кунда биз ҳалати турмушини бошдан кечиришимиз. Ҳў узоқ йиллар дунё беҳабар сандиқ ичида яшаб, кейин эса бирдан янги ҳаётга тушиб қолгандекмиз. Чунки авваллари те-



СУХРОБ ЙУЛДОШЕВ — 60 ЕШДА!

Яхши кишилар ҳақида гапирилганда, албатта, унинг хайрли ишлари, ҳимматлари эсга олинади. 60 йиллик умрининг қарийб 25 йилини болалар матбуотига, унинг ривож ва муваффақиятига бағишлаб келган Сухроб ака Йўлдошевнинг хайрли ишларидан бири журналист бўлман, деганларнинг орасидан энг бўларлисини, пишигини ажрата билиши эди. Унинг ажойиб бу ҳислати ортидан болалар матбуотида, кейинчалик жумҳурият матбуотида кўзга кўринган Э. Маликов, Ш. Акбаров, Г. Алибоева, Ф. Раҳимов каби журналистлар, С. Барноев, С. Жаббор, Ҳ. Имонбердиев каби етук ёзувчи ва шоирлар пайдо бўлди. Уларнинг барининг қалами ўша Сухроб ака етакчилик қилган «Ленин учқуни» да чархланди.

Бугунги кунда жумҳуриятдаги турли матбуот нашрларида фаолият кўрсатаётган собиқ «учқунчилар» уни доимо талабчан раҳбар, ижодкор, ширин суҳбатдош, яхши таржимон сифатида эслаб туряшди. Унинг «Ленин учқуни» даги ўзига хос фаолияти, ишлари, бошлаб берган ташаббуслари ҳақида кўп гапиряшди.

Мана бугун жумҳурият болалари матбуотининг жонкуяри 60 ёшга тўлди. Бу улур кунда «Ленин учқуни» да узоқ йиллар бирга ишлашган, ҳозир ҳам ишлаётган, у кишининг ўнгити, насихатларини тинглаган, қалами чархланган барча-барча ходимлар, журналистлар Сухроб акани муборак ёшлари билан қўтлайдилар. Уларга энг муҳими соғлиқ, боқий умр, ижодий баркамоллик тилайдилар. Ойла, фарзандлар, неваралар бахти, секинчиға шерик бўлиб юришларига тилакдошлар.

юқоридаги қушлар биз эдиғу Сухроб ака худди ана шундай қилиб машғулот олиб борардилар.

Деярли ҳаммамиз олий ўқув юртларини эндиғина тамомлаган, баъзилар сирдан ўқишарди ҳам. Ешлик — ғўрлик деганларидек ижодда кимларгадир тақдир қилишга, ёзаётган мақолаларимизни кимларниқигадир ўхшатишга ҳаракат қилардик. Аммо устозимиз Сухроб ака қаттиққўл эдилар. Машинкадан чиққан ўзимизча қойил қилиб қўйдик, деган мақолалар, бирқатор қиссалар устини баъзан қизил, баъзан қора сиёҳда йўққа чиқариб ташлардилар. Идорада бўладиган ижодий мажлислар (биз уни «летучка» дердик.) аёвсиз, аммо самимий ўтарди. Ҳар бир ёзганимиз устидаги баҳс кимлиғимизни, нимаға қодир, нимаға қодирмаслиғи...

қолардик.

Биз Сухроб аканинг чинакам устозлик таланти борлигини кейинчалик устозлик бошимизға тушганда билдик. Сабаби ўша юқоридаги номлари зикр этилган кишилар каттами-кичикми ижодий гуруҳларға бош бўлиб ишлашда давом этишяпти. Лекин ҳеч қайси биримиз Сухроб акадек талантлиғи ишға олиб, улардек ижодий мактаб яратолмадик. Уларнинг ёрдамида ўзимиз сайроқи бўлдиғу, ўзимиз сайроқи қушлар билан машғул бўлмаймиз. Бунинг учун Сухроб аканиқига ўхшаган юрак, кўз, зийраклик керак экан.

Ахир халқ катта уммонку, уларнинг орасида юзлаб Тоҳир Маликлар, Омон Мухторлар, Ҳабиб Саъдулла, Сафар Барноевлар яшяаптику. Лекин уларни илғаб оладиган, йўлга соладиган, овозини ростлайдиган чинакам устозлар йўқ.

Мен Сухроб акаға ўхшаган устозлар ҳақида ўйлаганимда Чинғиз Айматовнинг «Уқитувчи» қиссасидаги шогирдларини саводли қилиб, юртға танитиб, ўзи эса овулининг оддийғина хат ташувчиси бўлиб ишлаб юрган, камтар инсонлар кўз олдиға келди.

Сухроб ака, биз, шогирдлариниғизни маъзур тутинг. Ўзиниғиз ўргатган ўша ишларға шўнғиганимизча шўнғиб кетганимиз. Олтмишға киришиниғизни тасодифан эшитиб қолдик. Ўзиниғиз ўргатгандек, бежамасиз гаплардан нималардир дейишға, шу сўзлар билан сизға эмас, ўзимизға таскин беришға уриниб кўрдик. Халқимизнинг «устоз ҳақиға дуо қилайсаними, ҳеч бўлмаса саломиниғизни беряйсаними?» деган гаплари бор. Ахир ҳамма шогирдлариниғиз бир бўлиб қўлимизни кўксимизға қўйиб бараварига «Ассалому алайкум, устоз», деймиз ва яратгандан соғлиғиниғизни сўраймиз.

Хўрмат ила Эркин МАЛИКОВ.



Суратда: (чапдан-ўнғиға) С. Йўлдошев, Э. Хўжаев, Р. Сафарова, Э. Маликов ва С. Жабборов (1970 йил) Р. АЛБЕКОВ сурати.

Сухроб бобо

(...ВА УЛАРНИНГ САЙРОҚИ «ҚУШ»ЛАРИ ҲАҚИДА)

тоз. Ахир мен чумчуқманку. Туспмини ўзгартирганман холос. Энди овозимниям ўзгартириб олсамми марра меники.

— Сени келажакда нималар кутишини биласаними, Чумчуқвой?

— Биладан, нимаға билмас эканман, шохона уйчалар, майнаю тўтилар ейдиган таомлар, ахир мақсад ҳам шуда, устоз.

— Ҳа, патингдаги ясама бўёқларинг тўкилиб кетгунча шундоқ бўлиши мумкин, кейинчи қаллоблиғинг фош бўлғач бўйиниғни узиб итинг олдиға ташлашади. Эсиниғни йиғиб ол!

— Мениям эшитинг, устоз.

— Ҳа, Мусичавой, албатта эшитамиз сениям, сен мўминтойни эшитмасак кимни эшитамиз. Қани бирон нима дечи?

— Гуққа-гу-гу, гуққа-гу, Юрагимда бир гулу, Каптар бўлсам, каптар бўлсам,

Уша кунға етар бўлсам, Армоним йўқ ўлар бўлсам...

Гуққа-гу-гу, гуққагу-гу...

— Оббо сеней, сениям дардинг ичингда эканку а? Менға қара сенға бир ҳақиқатни айттайми? Ҳалиғи мушук борку уша нуқул йўлбарсға айланиб қолишни орзуларкан. Ҳатто тушларида йўлбарсға айланиб қоларкан. Лекин мушуклиғича қолаверар экан.

— Нима демоқчилиғиниғизға тушундим, устоз. Нуқул танқид қиласиз, айбимни қидирганинғиз қидирган.

— Дўст ачитиб гапиреди. Ютуқлар айбларни йўқотиш...

дан бошланади билсанг.

— Эй, зўр бўлганинғизда, мени кабутарға, чумчуқни майнаға, жиблажибонни булбулға айлантиролган бўлардинғиз.

— Ундай дема, Мусичажон. Устозлариниғиз вазифаси ҳаммаға ўзини кимлиғини танитиш, тўғри йўлга солиш. Паррандаю дарранда ҳаммасиниғиз ҳаёт ўрни бор. Устозлар шунға шофёрдулар...

Энди, азиз ўқувчилар, гап ким ва кимлар ҳақида кетаётганини айтиш палласи келди, чамамда. Ахир юқоридаги гапларни қаромат қилишимдан мақсад... Бу воқеаларға ҳам ўттиз йиллар бўлиб қолди. Биз унда газетамизиниғиз ўтмишдоши «Ленин учқуни» да ишлардик. Биз деганларим Уктам Усмонов (худо раҳмат қилсин), Раззоқ Абдурашидов, Талаббой Назиров, Сафар Барно, Султон Жаббор, Омон Мухтор, Тоҳир Малик, Чўлпон Эргаш, Маҳмуд Саъдий, Мурод Хидир, Ҳабиб Саъдулло, Файзи Шохисмоил, Анвар Ҳожи, Ризвон Сафарова, Эркин Хўжаев, Абдусайд Кўчимовлар эди. Янглишмасам бу номларни бутун жумҳуриятимиз билади. Улар ёзган асарлар озми-кўпми одамлар юрагиниғиздан ўрин олган.

Шуниси таажжуб ва ажабланарлики, номлари зикр этилган одамлар худди атайлаб қилингандек бир вақтда редакцияда ишлашган. Уларни ишға олган ва бошчилик қилган киши эса очеркимиз қаҳрамони Сухроб бобо эдилар. Биз у кишини Сухроб ака дердик. Газетада «Редактор С. Йўлдошев» бўлиб чиқарди. Билсанғиз ўшанда...

Шу десанғиз мана шу ўзимизиниғиз замонда Сухроб бобо деган қуш ўргатувчи яшарканлар. Нима қипти, қуш ўргатувчиларни ҳамма маҳалладан топса бўлади, дерсиз. Лекин улар сиз билган қуш ўргатувчиларға ўхшамас эканлар-да. Сиз билган қушбозлар қушларни одамға ўхшаб гапиряшға, одамға ўхшаб қилиқлар қилишға ўргатишади. Кейин қарқуноқни булбулға ўхшатиб сайратмоқчи бўлишади. Сухроб бобо бўлсалар булбулни булбулчасига, тўғрайни тўғрайчасига, чумчуқни чумчуқчасига, майнани майначасига сайрашға ўргатадиганлар тоифасидан экан. Ахир қушлар ҳам ана шунанча ўргатилиб турмаса овозлари айниб кетар экан-да. Улар ҳам жа ўта кетган тақлидчи бўлишаркан. Бир-бирлариниғиз овозларини ўғирлаб, ҳатто тусларини ўзгартириб олишмоқчи бўлишаркан.

Сухроб бобо бўлса қушлар олами соф, мусоффо қолсин, овозлари бузилмасин, туслари ўзгармасин деб мана бундай дарс ўтар эканлар:

— Қани, Жиблажибон, бир нима дегинчи, овозиниғизни эшитайликчи.

— Мен Жиблажибон, Жиблажибон.

Насиб қилса, бу йил ёзда, Ораум бордир булбул бўладиган...

— Сен, Жиблажибон, ўз ишиниғизни бил, Булбулни қўй. Эҳ... билсанг сени шу ўзиниғиз ёқмаётган «живит», «чивит» овозинг бутун Ер шарини уйғотади-я. Куртаклар фақат сенинғиз овозиниғизни эшитиб уйғонишади. Қадамни теккан ерлардан бойчечаклар югургилаб чиқишади. Қарғалар бўлса баҳор келаяптийкан, хабарчи Жиблажибон кепти деб совуқ томонларға қараб уча бошлашади. Булбул бўладан деб, оросатда қолмагин тагин...

— Хўўш, навбат кимға келди, қани, Майнахон, сенам бир сайраб бер-чи?

— Чирик, чирик, чирик — одатим қизиқ.

Гуноҳни қиламану, сувдан чиқаман қуруқ...

— Ие, Майнахон, нимаға энди сен чумчуқ бўлиб сайраясан.

— Чирик, чирик, менадан майна чиқаркан, ҳатто сизам танимай қолдинғиз, ус-

Азиз ўғлим Сарварбек!

Биз сени туғилган кунинг билан табриклаймиз! Сенға узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва доимо қувноқ юришиниғиз тилакдошимиз.

Отанг, онанг, онанг ва аканг Санжарбек.

Мўминовлар онласи.

Андижон вилояти, Қўрғонтепа туманидаги «Ҳамза» номли жамоа хўжалиғи, 4-бўлим.



ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОДОВ.

Тахрир ҳайъати: В. ФАЙЗУЛЛАЕВ, Т. ЭШБЕКОВ (бош муҳаррир ўринбосари), А. КҮЧИМОВ, М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Т. КАРИМОВ, М. ПИРМАТОВ (масъул котиб).

Табсиэс этувчи:

ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚҮМИТАСИ.

Бизиниғиз менинғизимиз: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КҮЧАСИ, 32-УЯ.

Маълумот учун телефон: 32-54-21

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИНИНГ БОСМАХОНАСИ. Тошкент шаҳри, 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй. Чоп этиш вақти — 18.00. Газетанинғиз навбатдағи сонни 11 март кунни чиқади.

ЎЗНОМА ҲАФТАНИНГ ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.